



adabiyot



Кўркутма мени тамугдин



Кўркутма мени тамугдин, эй зоҳиди ях,  
Жаннат манга бўлгуси дебон урма занах  
Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,  
Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

Зоҳид - зухд тариқи ва маслагига мансуб киши демак. Машхур инглиз шарқшуноси

Р.Никольсоннинг ёзишича, ис-ломда тасаввуфнинг илк кўриниши зуҳд ва вараъ шаклида пайдо бўлган. Сўфий сўзи эса дастлаб адабиётларда маълум бир зоҳидлар гуруҳига берилган ном сифатида кўлланилган. "Хижрий II асрда, -дейди Никольсон,-зуҳд харакати эркин ва кенг тарқалган бир харакат холига келган. Шу зайлда мингларча мусулмон эркак ва аёл, калбларида охират азоби ва киёмат кунининг кўркуви чуқурлашгач, алоҳида тарзда ёки кичик гуруҳлар холида хотиржамлик багишловчи бир диний ҳаётни яшаш орзуси ила одамлардан узоклашдилар". Шу тариқа зуҳд осонлик билан тасаввуфга айланган эди. Умуман, зуҳд талабларига риоя этмасдан, тарикат ҳаётида илгарилаш мушкул. Зуҳд - нафсу ҳаво, кибру риёнинг канотини кайирадиган бир ирода кудрати. Халол ва ҳаромни фарқлаш, сабр, каноат юксакликларини эгаллашда зуҳдга тенглашадиган "тарбиячи"ни тасаввур қилиш кийин. Яхё бин Муознинг айтишича, "Шу уч хислатга соҳиб бўлмаган умуман зуҳднинг ҳақиқатини кўлга киритолмайди. Биринчиси, фақат Оллоҳ учун амал, иккинчиси, моддий бир тамага ён бермай сўзлаш, учинчиси, нафсни моддийёт ила залил этмасдан азиз бўлиш". Жунайд Бағдодийга кўра эса "Зуҳд кўлда йўқ нарсанинг кўнгилда ҳам йўқлигидир". Лекин зуҳднинг маъно-мазмунини ҳамма ҳам бир хилда тушунмаганлиги боис зоҳидлар орасида охират орзусига гарк бўлиб, дунёдан бутунлай юз бурганлар ҳам бўлган. Буларнинг фақат дунё ишларигамас, дин, маърифат тараққийотига ҳам зарари етган. Тоат-ибодатдан бошқасини тан олмай, бутун фикри-зикри жаннатга қаратилган ва одамларни дўзах, жаҳаннам азоблари билан кўрқитган бундай кимсалар Шарк шоирлари томонидан кескин танқид қилинган.

Кўруктма мени тамугдин, эй зоҳиди ях,

Жаннат манга бўлгуси дебон урма занах...

Навоийнинг бу сўзлари наинки турки, балки феъл-атвори совук, жаннатпарастлик даъвоси ила канчадан-канча кишиларни бездирган ана ўша зоҳидлар ҳақиқадир.

Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур, Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

Шоир бу байтда Оллоҳ ҳаёли ва дийдорини ҳар нарсадан муқаддас билиб, зоҳиднинг ақидасига қарши шундай деган: Эй зоҳид, ўзинг тасаввур этган жаннату дўзах

тўғрисидаги сафсаталарингни йигиштир. Илохий жамол тажалли айлай-диган ҳар

қандай жой - бу жаннат. Сен қаби кимсалар билан юзлашадиган жаннат - жаннат эмас, дўзахнинг айни ўзидир. Тазодли бу фикрни Навоий навбатдаги рубоийсида бошқача сўз ва тимсоллар орқали ифодалаб берган:

Зоҳид санга хур, манга жонона керак,

Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.

Майхона аро сокию паймона керак,

Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Иброҳим Ҳаққулнинг

"Навоийга қайтиш" китобидан, 2-жилд